

КИШИЛОК ХАКЖАТИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг газетаси

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг КОММУНИСТИК ПАРТИЯГА, С О В Е Т Х А Л Қ И Г А М У Р О Ж А А Т И

Азиз ўртоқлар! Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, бутун совет халқи оғир жудаликка учрадилар. Улуғ Ленин ишининг содиқ давомчиси, оташин ватанпарвар, атоқли революционер ва тинчлик учун, коммунизм учун курашчи, замонамизнинг жуда катта сиёсат ва давлат арбоби Леонид Ильич Брежнев вафот этди.

Л. И. Брежневнинг бутун кўп қиррали фаолияти, шахсий тақдири Советлар мамлакатлари тарихида энг муҳим босқичлардан ажралмасдир. Коллективлаштириш ва индустриалаш, Улуғ Ватан уруши ва урушдан кейинги тикланиш, кўриқни ўзлаштириш ва космосни тадқиқ қилишни ташкил этиш — мана шулар ишчилар синфининг шонли фарзанди Леонид Ильич Брежнев таржимаи ҳолининг ҳам босқичларидир. Партия Леонид Ильични қаерга юбормасин, у ҳамма жойда ўзига хос ғайрат ва қатъият билан, дадиллик ва принципиаллик билан, партиянинг улуғ идеаллари учун садоқат билан курашди.

Совет кишилари, бутун дунёдаги дўстларимиз партия ва давлат турмушининг ленинча нормалари изчиллик билан қарор топтирилганлигини, социалистик демократия тақомиллаштирилганлигини ҳақли равишда ўртоқ Брежневнинг номи билан, унинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари ва СССР Олий Совети Президиумининг Раиси лавозимларидаги гинимсиз фаолияти билан боғлиқ деб билмоқдалар. У партия ленинчи штаби — унинг Марказий Комитети, Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси фаолиятига донолик билан бошчилик қилиб, аҳиллик билан коллектив бўлиб ишлашни моҳирона ташкил этиш намунасини кўрсатди. У партиянинг ривожланган социализм босқичидаги иқтисодий ва социал-сиёсий стратегиясини ишлаб чиқишда ҳамда амалга оширишда, халқ фаровонлигини юксалтириш йўлини белгилаш ва рўёбга чиқаришда, мамлакатимизнинг иқтисодий ва мулоффа қудратини янада мустаҳкамлашда жуда катта роль ўйнади.

Партияимизнинг халқаро майдондаги сиёсатини — тинчлик ва тинч-тотув яшаш, кескинликни юмшатиш ва қуролсизланиш сиёсатини, империализмнинг агрессив кирдикорларига кескин зарба бериш, ядровий фалокатнинг олдини олиш сиёсатини ишлаб чиқиш ва ўтказишда Леонид Ильич Брежневнинг хизматлари бебаҳодир. У жаҳон социалистик ҳамдўстлигини жипслаштиришга, халқаро коммунистик ҳаракатни ривожлантиришга буюк ҳисса қўшди.

Леонид Ильич ҳаётининг сўнгги дақиқаларигача унинг фикри-зиқри ва ишлари батамом меҳнат аҳлининг манфаатларига бўйсундирилган эди. У меҳнаткашлар оmmasи билан ҳамisha жуда яқиндан чамбарчас бўлиб келди. У барча қитъалардаги коммунистларнинг, юз миллионлаб кишиларнинг онгида ленинча ғоявийлик, изчил интернационализм, революцион оптимизм ва инсонпарварликнинг тимсоли бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Бошимизга оғир жудалик тушди, мусибатимиз чексиз. Шу қайғуда дамларда Совет Иттифоқи коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПССнинг ленинчи Марказий Комитети, Леонид Ильич Брежневнинг самарали таъсирида вужудга келган раҳбар ўзаги тевадарида тагин ҳам маҳкамроқ жипслашмоқдалар. Халқ партияга, унинг қудратли коллектив ақл-заковатига ва ироласига ишонади, унинг ички ва ташқи сиёсатини сиқидилдан қўлаб-қувватлайди. Ленин байроғи, Октябрь байроғи ишончли кўлларда эканлигини совет кишилари яхши билдилар. Шу байроқ остида жаҳоншумул тарихий ғалабаларга эришилди.

Партия ва халқ КПССнинг XXIII-XXVI съезллари ишлаб чиққан коммунистик бунёдкорликнинг улугвор программаси билан қуролланган. Бу программа муттасил амалга оширилмоқда. Партия ишлаб чиқаришни интенсивлаш, унинг самарадорли-

ғини ва иш сифатини ошириш, СССРнинг Озиқ-овқат программасини бажариш асосида халқ фаровонлигини юксалтириш учун бундан буён ҳам ҳамма ишни қилавереди. Партия ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг иттифоқини мустаҳкамлаш тўғрисида, совет жамиятининг социал-сиёсий ва ғоявий бирлигини, СССР халқларининг қардошларча дўстлигини мустаҳкамлаш ҳақида, меҳнаткашларни марксизм-ленинизм ва пролетар, социалистик интернационализм руҳида идеологик жиҳатдан чиниқтириш тўғрисида бундан буён ҳам ҳар томонлама гамхўрлик қилавереди.

Совет халқининг тинчликка бўлган ироласи ўзгармасдир. Халқларни ўз моддий ва маънавий бойликларини беҳуда сарфлашга дучор қилувчи урушга тайёргарлик эмас, балки тинчликни мустаҳкамлаш — эртанги кун йўлини ёритувчи йўлни юлдуздир. 80-йилларнинг Тинчлик программаси, партия билан Совет давлатининг бутун ташқи сиёсий фаолияти шу олижаноб ғоя руҳи билан суғорилган.

Биз халқаро вазиятнинг пақадар мураккаблигини, империализм агрессив доиралари тинч-тотув яшашни кўпориш, халқларни адоват ва ҳарбий муҳолифлик йўлига тойдириб юбориш учун қилаётган уришларини кўриб турибмиз. Аммо бу нарса бизнинг тинчликни қаттиқ туриб ҳийога қилишга бўлган азму қароримизни сира бушаштира олмайди. Ҳарбий авантюраларнинг ишқибозлари Советлар мамлакатини ғафлатда қолдирмаслиги учун, потенциал агрессив қақшатқич жавоб зарбасига учраши муқаррарлигини билиб олиши учун зарур бўлган ҳамма ишни қиламиз.

Совет Иттифоқи ўз қудратига таяниб, ғоят сергақил ва матонат кўрсатиб, ўз ташқи сиёсатининг тинчликсеварлик принципларига ва мақсадларига муттасил содиқ бўлиб қолиб, инсониятнинг ядро уруши хавфидан омон асраш учун, кескинликни юмшатиш учун, қуролсизланиш учун сабот билан курашавереди.

Бу курашда қардош социализм мамлакатлари, миллий ва социал-озодлик учун курашчилар, барча қитъалардаги тинчликсевар мамлакатлар, ер юзидаги жамики софдил кишилар биз билан биргаликда. Тинчлик сиёсати инсониятнинг туб ҳаётий манфаатларини аке эттиради ва бинобарин шу сиёсатнинг келажаги порлоқдир.

Совет халқи партияди ўзининг синалган коллектив йўлбошчиси, доно раҳбари ва ташкилотчиси деб билди. Ишчилар синфи, меҳнаткаш халққа хизмат қилиш — партия бутун фаолиятининг олий мақсади ва моҳиятидир. Партия билан халқнинг метиндек бирлиги совет жамияти энгилмас кучининг манбаи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. КПСС меҳнаткашларнинг ишончини муқаддас билиб қадрлайди, ўзининг омма билан алоқаларини доимо мустаҳкамлайди. Партияимиз ҳар қандай воқеалар рўй берганида ҳам, ҳар қандай синовлар пайтида ҳам ҳамisha ўзининг тарихий вазифаси юксаклигида бўлаверишига халқ амалда ишонч ҳосил қилган. Леонид Ильич Брежнев раҳбарлигида ишлаб чиқилган КПССнинг ички ва ташқи сиёсати бундан буён ҳам изчиллик билан собитқадамлик билан ўтказилавереди.

Л. И. Брежневнинг ҳаёти ва фаолияти доимо Коммунистик партияга ва совет халқига садоқат билан хизмат қилишнинг илҳомбахш намунаси бўлиб қолади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети комил ишонч билдириб айтидиларки, коммунистлар, барча совет кишилари юксак онглилик ва уюшқоқлик кўрсатиб, Ленин партияси раҳбарлигида ўзларининг фидокорона ижодий меҳнатлари билан коммунистик қурилиш пландарининг бажарилишини, социалистик Ватанимизнинг янада равақ топишини таъминлайдилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советида

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети қарор қилдилар: 1. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Леонид Ильич Брежневнинг вафоти муносабати билан 1982 йил 12-13-14 ва 15 ноябрь мамлакатда жотам қуналари деб эълон қилинсин. Дафи этиш қунида бошлангич, сақияз йилнинг ва ўрта мактабларда ўқув машғулотлари ўтказилмасин. 2. Леонид Ильич Брежневнинг жасадини дафи этиш пайтида Москвада, Иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, қаҳрамон шаҳарлар — Ленинград, Волго-

град, Одесса, Севастополь, Новороссиёс, Керчь, Тувада, қаҳрамон қалъа Брестда, шунингдек Калининград, Ўльов, Ростов-Дон, Куйбишев, Свердловск, Новосибирск, Чита, Хабаровск, Владивосток, Североморск, Днепротетровск, Запорожье ва Днепродзержинск шаҳарларида тўплардан ўқулинсин. Худди шу пайтда Совет Иттифоқининг бутун теъриғорисинда узлуқкез ишлаб чиқариш корхоналаридан ташқари ҳамма корхона ва ташкилотларнинг иш бош минут тўхташиб турилсин. Фабрикаларда, заводларда, темир йўлларда, депода ва дарё флотли кемаларида уч минут мобайнида гудоқ чалиниб салиот берилсин.



Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советидан

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич БРЕЖНЕВ 1982 йил 10 ноябрь эрталаб соат 8 дан 30 минут ўтганда тўсатдан вафот этганлигини партиёга ва бутун совет халқига чуқур қайғу билан маълум қилдилар. Улуғ Ленин ишининг содиқ давомчиси, тинчлик ва коммунизм учун оташин курашчи — Леонид Ильич Брежневнинг номи совет кишилари ва бутун тараққийпарвар инсоният қалбида ҳамisha яшайди.

Леонид Ильич Брежневнинг касаллиги ва вафотининг сабаби тўғрисида медицина хулосаси

Л. И. Брежнев 1906 йилда туғилган, аорта атеросклероз даражасидаги, аорта қорин бўлимида аневризма кучай борган, юрак томирларини торайтирувчи атеросклероз бошланган, юрак қонга ётчимай, ишчи нинг мароми бузилган, бўлиб ўтган инфарктлардан кейин миокардада чандиқлар вужудга келган. 1982 йил 10 ноябрь соат 8 билан 9 ўртасида юрак билан тўхтаб қолди. Қўйилган диагноз патологик-анатомик текширувда батамом тасдиқланди. Миясининг муҳбир-азоси, профессор А. Чучалин; Давлонови врач М. Юсарева; СССР Медицина фанлари академиясининг муҳбир-азоси, профессор Н. Краевский; Хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Ю. Постнов.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советида

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети қарор қилдилар: 1. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Леонид Ильич Брежневнинг дафи қилиш маросимини ташкил этиш комиссиясини қуйидаги составда тузилсин: Ю. В. Андреев (раис), М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. Я. Пельше, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, И. В. Капитонов, М. В. Зимянин, А. П. Александров, С. А. Шалаев, Б. Н. Пастухов, Н. Н. Блохин, Г. М. Марков, Т. Н. Хренников, Н. А. Пономарев, С. Ф. Бондарчук, В. В. Терешнова, Г. Т. Берговой, А. Ф. Гордиенко, В. А. Смирнов, В. Н. Голубева, А. В. Гиталов. 2. Л. И. Брежнев Қизил майдонда дафи этилсин.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Леонид Ильич Брежневни дафи қилишни ташкил этиш комиссиясидан

Комиссия маълум қилдики, Леонид Ильич Брежневнинг жасадини солиштириб 1982 йил 12 ноябрда Союзлар уйининг Колонна залига қўйилди. Меҳнаткашлар Леонид Ильич Брежнев билан видеолари унинг Колонна залига кириши учун шу йил 12 ноябрь соат 13 дан то 22 гача, Колонна залига кириш тилади.

